

“Portlatishsanoat” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг № 1 - сонли йиғилиш
БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри Яккасарой тумани
Боғибўстон кўчаси, 139-уй

2023 йил “14” ok
Соат:10:00

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаши раиси:	Ш.Т. Салыходжаев
Кузатув кенгаши аъзолари:	А.Х. Шодиев
	Б.Х. Асадуллаев
	У.И. Азизов
	Ф.Б. Нормухамедов

Кворум: 100 %

Таклиф этилганлар:

Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.У. Газиёв

“Portlatishsanoat” АЖ (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) Кузатув кенгашининг аъзоси А.Х.Шодиев ва сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан, кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум жамият Уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги кераклигини таъкидлаб ўтди ва йиғилишда кузатув кенгашининг 5 та аъзоси, яъни 100 фоиз қатнашаётганлигини инобатга олиб, йиғилишни очик деб эълон қилди ва жамият кузатув кенгаши муҳокамасига киритилган кун тартибидаги масала билан таништирди.

КУН ТАРТИБИ:

Жамият ижроия органининг 10.02.2023 йилдаги 19 - сонли хатини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан Жамият бошқарув раиси в.в.б. А.У. Газиёв сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Ҳозирги кунда Жамият молиявий қийин аҳволда эканлигини, Жамиятга нисбатан банкротлик иши қўзғатилганлигини (суд ажрими илова қилинади) маълум қилди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Тошкент туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, Жамиятни банкрот деб топишни ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сураган. Суднинг 2022 йил 16 сентябрдаги ажримига

асосан қарздор - Жамиятга нисбатан банкротлик иши кузгатилиб, кузатув таомили жорий этилган ва Хазариди Елена Абрамовна Жамиятнинг муваккат бошқарувчиси этиб тайинланган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 4 октябрдаги 4-1001-2218/45319 - сонли иш бўйича ажримга асосан:

Жамиятга нисбатан 24 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилган ва суд санацияси режаси тасдиқланган.

- санация қилувчи бошқарувчиси этиб 2 - тоифали суд бошқарувчиси Хазариди Елена Абрамовна тайинланган, унинг ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида белгиланган.

- санация қилувчи бошқарувчига ўз фаолиятини Ўзбекистан Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунида белгиланган қоидалар асосида олиб бориш ва бажарилган ишлар юзасидан иқтисодий судга ҳисоботлар тақдим этиб бориш юклатилган.

Ўзбекистан Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 3 - моддасига кўра суд санацияси тартиб - таомили - қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ва унинг кредиторлар олдидаги қарзини тўлаш учун қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда суд томонидан қўлланиладиган тўлов қобилиятини тиклаш тартиб – таомили ҳисобланади.

Жамият томонидан танлов асосида жалб этилган мустақил баҳоловчи ташкилот - “Toshkent viloyati baholash va konsalting markazi” МЧЖ томонидан ўтказилган баҳолаш ҳисоботиغا кўра ушбу Жамият балансида бўлган Фарғона вилоятида жойлашган умумий майдони 4,01 Га бўлган портлатиш моддалари сақланадиган омборхона (кейинги ўринларда “Объект” деб юритилади) 5 545 337 529,10 сўмга баҳоланган.

Шундан сўнг Жамият кузатув кенгаши аъзоси А.Х. Шодиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 84 - моддасига мувофиқ баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият бошқарув раиси А.У. Газиёв Жамиятнинг портлатиш ишларидан оладиган даромадлари Жамиятнинг ҳозирги кундаги кредиторлик қарздорликларини қоплаш учун етарли эмаслигини маълум қилиб, Жамият кузатув кенгашидан Жамиятнинг кредиторларидан ва ходимларидан иш ҳақи бўйича қарздорликларни сўндириш мақсадида мазкур Объектни очиқ тендер савдолари орқали сотишга ва ундан тушган маблағлар ҳисобига Жамият кредиторлари ва ходимларидан қарздорликларни сўндиришга йўналтиришга рухсат беришни сўраганлигини ҳамда

мазкур масала Жамият кузатув кенгашининг 10.02.2022 йилдаги йиғилишида кўриб чиқилганлиги ҳамда Объектни сотиш масаласи тегишли ваколатга эга бўлган Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қарор қабул қилиш учун киритилганлигини маълум қилди.

Жамият акциядорларининг 20.06.2022 йилда ўтказилган умумий йиғилишида Жамият тасарруфидаги Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Саткак МФЙ ҳудудида жойлашган 751,94 кв.м. бўлган омбор бино ва иншоотлари ҳамда унга бириктирилган 4,01 га ер майдонини “E-fuksion” электрон савдо платформаси орқали оммавий савдоларга чиқариш, сотувдан тушган маблағларни кредитор қарзларни қоплашга, биринчи навбатда иш ҳақи ва бюджет ҳамда бошқа мақсадли жамғармалардан бўлган қарзларни сўндиришга мақсадли йўналтириш бўйича қарор қабул қилинган.

Шунга кўра Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 4 октябрдаги 4-1001-2218/45319 - сонли иш бўйича ажримига асосан Жамиятга нисбатан 24 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилганлиги ва суд санацияси режаси тасдиқланганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Жамият томонидан Объектни сотиш масаласи Жамият акциядорларининг 20.06.2022 йилда ўтказилган умумий йиғилишида кўриб чиқилганлигини маълумот учун қабул қилиш ҳамда Жамият ижроия органига белгиланган тартибда Объектни савдога чиқарилишини ва сотишдан тушган маблағларни суд санацияси режасига мувофиқ мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича топшириқ бериш таклиф этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан таклифлар берилди ва овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” – “5” овоз, “Қарши” – “0”, “Бетараф” – “0”.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан овоз бериш натижаларига кўра Кузатув кенгаши

Қарор қилади:

1. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 4 октябрдаги 4-1001-2218/45319 - сонли иш бўйича ажримига асосан Жамиятга нисбатан 24 ой муддатга суд санацияси таомили жорий этилганлиги ва суд санацияси режаси тасдиқланганлигини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Жамият томонидан мазкур Объектни сотиш масаласи Жамият акциядорларининг 20.06.2022 йилда ўтказилган умумий йиғилишида кўриб чиқилганлигини ҳамда Жамият тасарруфидаги Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Саткак МФЙ ҳудудида жойлашган 751,94 кв.м. бўлган омбор бино ва иншоотлари ҳамда унга бириктирилган 4,01 га ер майдонини “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали оммавий



савдоларга чиқариш ҳамда сотувдан тушган маблағларни кредитор қарзларни қоплашга, биринчи навбатда иш ҳақи ва бюджет ҳамда бошқа мақсадли жамғармалардан бўлган қарзларни сўндиришга мақсадли йўналтириш бўйича қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамият ижроия органи қонунчиликда белгиланган тартибда Объектни савдога чиқарилишини ва сотишдан тушган маблағларни Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 4 октябрдаги 4-1001-2218/45319 - сонли иш бўйича ажримга асосан тасдиқланган суд санацияси режасига мувофиқ мақсадли ишлатилишини таъминласин.

Шундан сўнг, мажлис раиси Ш.Т.Салыходжаев, Жамият кузатув кенгаши томонидан ушбу мажлисда қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишини таъминлашни Жамият ижроия органи зиммасига юклади ва кузатув кенгаши йиғилишини ёпиқ деб эълон қилди.


Мазкур баённома 2 (икки) нусхада тузилди.

Кузатув кенгаши раиси



Ш.Т. Салыходжаев

Кузатув кенгаши аъзолари:



А.Х.Шодиев



Б.Х. Асадуллаев



У.И.Азизов



Ф.Б.Нормухамедов



Баённома тузилган сана: 2023 йил « 14 » феврал